

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Андижон машинасозлик институт

“Ўзбекитон тарихи”кафедраси
“Миллий истиқлол ғояси” фанидан

Мустақил иши

Мавзу: Мафкуравий илмунитетни шакллантириш,

хафсизлик ва барқарорлик омили.

Бажарди: “Машинасозлик”факультети “ТМЖ”
йўналиши 4-курс 2-гурух талабаси Шермухамедов О.

Текширди: Ахмаджонова Д.

Андижон-2011

Мавзу: Мафкуравий илмунитетни шакллантириш хафсизлик ва барқарорлик омили.

Режа :

1. Мафкуравий имунитет, хафсизлик ва барқарорлик тушунчалари.
2. Янги миллий зоя ва демократик онгнинг шаклланиши.
3. Мустақил Ўзбекистон тарақиётига хавф тугдирадиган мафкуравий тахдидлар.
4. Мафкуравий хафсизликка интилиш ижтимоий- сиёсий барқарорлик омили.

Мафкуравий имунитет-фалсафа қомусий луғатида-маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион бузғунчи характердаги ғоявий ташаббускорларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади.

Одамнинг манавиятига таҳдид соладиган хавфлар ва улардан ўзини онгли ҳимоя қилиш кўникмалари таълим-тарбия ота-оналар ўғитлари, яхшилик, ёмонликларни кўриши ва билиши жараёнида шакллана боради.

Имунитет эса, ўз навбатида, одам тўғри йўлдан “оғиш” дан турли йўлларга адашиб, кейин пушаймон бўлишларидан, бахтсизликдан, миллатни эса парокандаликлардан, парчаланишлардан, синфий, маҳаллий ёки бошқа бўлинишлардан асраб туради. Демак, мафкуравий имунитет давлат ва миллатнинг манавий бирлиги, манавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради.

“Имунитет” сўзининг маноси Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қуйдагича берилган: бирон нарсадан халос, озод бўлиш қутилиш.

Мафкуравий имунитет ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Унинг намоён бўлиши учун ички ёки ташқи ғоявий, фикрий таъсир бўлиши керак. Инсон қаршисида янги, нотаниш ғоя, таклиф турганида ёки икки йўлдан бирини танлашга тўғри келганида уларни ўз манфаатлари “кўриги”дан ўтказди. Унинг ўша пайтидаги манфаатларига кўпроқ мос келган, бошқа ғоялар, таклифларини енгган ғоя эди унинг ҳаракатларини бошқара бошлайди.

Мафкуравий имунитет фикрий жараён натижаси бўлганлиги туфайли у илмий асосланган, далиллар системасига қурилади.

Миллий истиқлол ғояларига шахснинг ишончи, мустаҳкам иродаси унинг мафкуравий имунитети манбаи ҳисобланади. Бундай мафкуравий имунитетга эга бўлган шахс ёд мафкуралар таъсирига берилмайди чунки, миллий истиқлол ғояси мафкуравий имунитетни шакллантиришда ўзига хос имконият ва хусусиятларга эга.

Мафкуравий имунитет миллий мустақилликнинг афзалликларга бўлган ишончига қурилади. Бу ишонч эса ишонтириш, тушунтириш натижасида ҳосил бўлади.

Масалан: Ўзбекистон-дунёвий давлат. Дунёвий давлат фаолиятининг асосий таъмойиллари, афзалликлари уларни диний давлат билан таққослангандагина кенг ва тўлиқ тушунчаларини беради.

Демак, мафкуравий имунитетни шакллантириш муайян вазиятда инсонинг ўзи, ҳалқи, Ватани манфаатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши тура олишидадир.

Жамиятга ёт мафкуравий ғоялар бирданига кираолмайди. Улар аввало, маҳв қилиши керак бўлган миллат азалдан ишониб келган нарсаларга ишончини, умидини сўнгдиради.

Бунинг учун миллат ишониб келган нарсалар ёмонланади, обросизлантирилади. Натижада, мафкуравий имунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади- миллат ўзи ишониб келган ғоялар, қадриятларга амал қилинмай қўйилади, одамларда уларга амал қилинмаётганларга лоқайд муносабат урф бўлади.

Қадриятлар, ғоялар қадрсизланади, аҳамиятсиз нарсаларга айланиб қолади. Бўшлиқ ана шундай яратилади, “очиб олинади”.

Ғоявий бўшлиқ очиб олингач, энди унинг ўрнини тўлдириш учун ўз ғоясини жозибали қилиб тасвирлай бошланади. Бузғунчи ғоя хос “янгилик” ва у бораётган ваъдалар одамлар қулоғи ҳамда кўзи орқали онг ва қалбига кира бошлайди. Мафкуравий бўшлиқ шу тариқа тўлдира бошланади. Ёлғон ғоя одамлар онгига кирса, у ҳам катта кучга айланади.

Ҳозирги фан ва технологиялар равнақи даврида бошқа кишиларнинг онги ва қалбига яширин ғараз, мақсад билан таъсир кўрсатишини ифодаланган манипуляция сўзи, яъни “объект устидан бирор мақсадда иш олиб бориш” маъносида ишлатилмоқда.

Янги миллий ғоя ва демократик онгнинг шаклланиши, мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни,

кучайтиришдан иборатдир. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий имунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий имунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб киритиш эмас, балки, одамларда оқ-қорани ажратиш зарарли, ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил февраль 2004 йилнинг мартдаги Бухоро ва Ташкент шаҳрида содир этилган террористик воқеалардан тўғри хулоса қилиш муҳим.

Ҳар бир давлат жамиятининг қудрати, унинг ички ҳавсизлиги ва барқарорлигига таянади.

Яъни жамият миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман томонидан қўйилиши мумкин бўлган ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас.

Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса (бунга тарихда мисоллар кўп) душманларга уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб берилади.

Бундай миллатни енгиш мустамлакага айлантириш осон кечади (бунга тарихда мисоллар ҳам кўп). Шу тариқа миллий ғоя бизнинг ўтмишимиз, ҳозирги ҳаётимиз ва келажагимиз билан боғлаб туради. Шу сабабли Ўзбекистон ҳалқининг миллий истиқлол ғоясига асосланган имунитетни ватан ҳавсизлигининг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланади.

Миллий истиқлол ғояси ҳалқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, комилликка таянар экан, ана шу ғояларга қарши қаратилган хатти –ҳаракатлар ташқи ва ички таҳдидларини олдини олади.

Ташқи таҳдидлар- Ўзбекистоннинг давлат чегарасининг ташқаридан кириб келувчи ва ички таҳдидлар эса Ўзбекистон давлати мамлакатнинг ичидан чиқаётган таҳдидлардир. Биз кўп асрлар ана шу ички таҳдидлар туфайли мустамлакаликда яшаб келдик.

Ички таҳдидлар- ўз ватанига ва тендошига зарар етказишга қаратилган ғоя, фикр, хатти –ҳаракатлардир.

Носоғлом маҳаллийчилик, ёнидагиларни менсимаслик, ватандашларининг ҳаққига ҳиёнат қилиш, “Маънавий эмиграция” (бахтини ўз ватанидан эмас ўзга жойларда қидириш), одамларни бой, камбағалга бўлиб муомала қилиш, порахўрлик, коррупция кўполлик, ашаддий миллатчилик, ортиқча мол дунёга ҳирс қўйиш, бефарқлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик ва бошқа иллатлар билвосита ички таҳдидлар вазифасини бажаради. Улар қанча кенг тарқалса, ўзбекистонликларнинг ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, пароканда қилади, ҳамжиҳатлик бўлмайди. Ғоявий бирлиги мўрт миллатнинг давлат ҳавфсизлиги ҳам мўрт бўлади.

Мустақил Ўзбекистон тариқиётига ҳаф туғдирадигон мафкуравий таҳдид.

Ҳозирги воқеъликда миллий истиқлол ғояси ва ёт мафкуралар орасидаги муносабатлар мафкуравий кураш, мафкуравий қарши туриш психологик уруш шаклларида кечмоқда.

Ёт мафкуралар мафкуравий курашларнинг минг йиллик услубларини, шунингдек, замонавийлаштирилган услублари: ахборот майдонини эгаллаб олиш, мафкуравий диверсия, сиёсий индоктринастия, мафкуравий инфильтастия, десориентация, мафкуравий кўпоровчилик ҳаракатларини қўллаш орқали халқимизда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончсизлик уйғотишга, давлат сиёсатини обрўсизлантиришга одамларнинг ўзини Ватан миллат ҳимоясидан четга тортишга лоқайтликка эришишга интиладилар. Бунда улар бирор хусусий фактни умумлаштириш (экстраполястия) ёлғонини ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлаш кичик муаммодан катта ёлғон яшаш, бир нарсани такрорлаб бериш, туйғуни ақилдан устун қўйиш, тингловчининг шахсий манфаатини биринчи ўринга қўйиб, унга дўст бўлиб

кўриниши “хасратлашиш”, ҳукуматларини халқларга ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳимдиллик, ҳамфикирлик туйғуларин уйғотиш одамларга таниш маълумотларини ишлатиб “Фалон жойда фалон воқеа бўлди”, ростга ёлғонни улаб юбориш услубларидан мафкуравий курашда фойдаланилмоқда. Ҳар қандай жамият бундай маккор таҳдидларни енгиши учун ўзида огохлик, мафкуравий ҳафсизлик, тўсиқлик, жанговорлик, сафарбарлик, умуммиллий бирлик каби ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак,. Бунинг учун Миллий истиқлол мафкурасининг ёт мафкураларга қарши кураш услублари, жумладан бузғунчи ғоялар моҳиятини фош қилишга қаратилган тарғибот, мафкуравий натижаларни ва таҳдидлар моҳиятини халқимиз онги ва қалбига етказиш, жаҳолатга қарши маърифат тарқатиш услубларидан доимо ва ҳамма жойда фойдаланиши тақозо қилади.

Масалан: ана шундай ғоялардан бири халифалик давлатини тузиш ғоясидир. Бу ғоянинг мазмуни ва моҳияти жиҳатдан зарарли эканлигини чуқур англаш зарур.

“Халифа” сўзининг луғавий маноси “ўринбосар”, терминалогик маноси “мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий бўшлиғи” деб талқин этилади.

Ҳамкорлик давлати мутлоқ манархия типигаги давлат бўлиб давлатни халифа бошқаради. Халифанинг давлатини бошқарув тизими ислом-шарият қонунлари билан белгиланади. “Хизб-ут-тахрир” даъво қилган халифалик давлати эса “Ислом Низоми” номли китобида баён қилинган қонунларга асосан бошқарилади. Воҳоланки, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) дан ривоят қилинганларидек ушбу ҳадиси –шарифда аниқ айтилган: “Халифалик мендан сўнг умматим ичида 30 йилдир ундан кейин подишоҳлик бўлади. Ҳозирда ” Ҳизб-ут-тахрир тарафдорлари ноҳақ қонуни деб минглаб бегунох кишиларнинг ноҳақ қони тўкилсада, халифалик барпо этилишини мажбурий деб даъват этмоқдалар. Уларнинг бундай хатти-харакатларидан кўзлаган мақсад конституциявий тузумни зўрлик билан ағдаришдан бошқа нарса эмас. Шу сабабли улардан соф исломий

қадириятларимизни, ўзбеклигимизни (чунки халифалик давлатилда ўзбек деган сўз ўчириб ташланади, давлат тили араб тили, пойтахт ҳам бошқа жойларда бўлади), ота – боболаримиз дини ҳақиқий исломни ҳимоя қилишга қадар бўлиши мумкин. Ҳалифага ўз ота – бобоси удумларини унутган манқуртлар керак. Улар халифаликнинг пахтасини экиши, териши керак. Уларнинг меҳнатидан халифаликка олтинлар оқиб бориши керак. Ҳалифа эса ўзи бу дунё лаззатини суради. Қўлларига у дунё лаззатларини беради. Акс ҳолда халифалик ғояси бунчалик сиёсий мақсадларни кўзда тутмаган бўлади. Бу дунё, ўткинчи дунё саодатига қизиқмас, курашмас эди. Тоат-ибодат, беш вақт намозга даъват қилиб қўя қолар эди. Шундай эмаслиги ?!

1952 – йилда Тақийдин Набохоний томонидан ер юзининг мусулмон давлатларида мавжуд бўлган ўзгартириб “Халифалик” давлатини тузушлик ва бу мақсадни амалга оширишлик учун “Ислом дини” китоби остида “Ҳизб-ут-тахрир” (озодлик) партиясига асос солиниб бу партиянинг идоравий тўпламлари бу бошқа қонунлари ишлаб чиқарилган эди. Унинг азолари ёшларни диний фанатизм ва экстримизм руҳида тарбиялашнинг барча усуллари – даъват, ишонтириш, варақа ва миш-мишлар тарқатиш, халққа дарс услубларини қўллаб, фуқоролар ўртасида, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг кексинлаштиришга ҳаракат қилди. Улар гўёки фақат “ҳақиқий” мусулмонлар ҳокимиятига келса, “исломий тартиб”ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракатларига имконият яратилади деб ўйлайдилар. Ҳизб-ут –тахрир дастлаб ёшларда сохта исломий фикрларга, деб ўйлайдилар, ишончни оширишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Буни улар сақафий (тушунчага оид) амаллар, яъний сиёсий амал тадбирларидан энг муҳими, деб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда ёшларнинг мафкуравий имунитетни сусайтириш, енгил ва ўзларининг сохта ғояларини сингдиришини биринчи вазифа қилиб оладилар. “Ҳизб-ут-тахрир” га асосан мактабда яхши ўқимаган тарбияси бўш оилаларнинг фарзандларининг дават қилади. Чунки, уларни бошқариш жуда осон. Илмий

одам “Хизб-ут-тахрир” чиларининг фаолияти жиноят эконлигини тушунади. Илми йўқлар эса ўзлари қилаётган даъватларининг мазмунини ҳам англаб етмайдилар. Яъний қандай қилиб бозорларда аҳоли кўп бўлган жойларда ғавғо чиқариш фитна уюштириш кераклиги ҳақида ҳам айтиб берилар эди. Бу ишлар одамларда давлат тузумига нисбатан норозилик туғилиб бизга кўпроқ кўшилади. “Хизб-ут-тахрир” кучаяди, деган мақсадда қилинар, бу эса айнан нодонлик эди.

...Жамоат транспортларида аҳолини давлат тузумига нисбатан норозилик келтириб чиқариш учун очиқ даъватлар қилдик. Энди ўйлаб кўрсам “Хизб-ут-тахрир” бошлиқлари юрагимизга кўрқув солиб жиноятга ундаган экан. Имонсизлигимиз мени ана шу йўлга бошлади.

... дейди бу ҳақида номини айтмасликни сўраган, хидоят йўлига қайтган ёшлардан бири.

Президент И.Каримов мафкура жабҳасига оид муҳим фикрларни билдириб, қуйдагиларни айтдилар. Жумладан: “Минтақамизда” “Хизб-ут-тахрир”каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора хавфли тус олмоқда. У конституциявий, дунёвий давлат тизимига қарши чиқиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмоғур ғояни тарғиб қилмоқда... Лекин, таъссуф билан тан олиш керакки, бу ёзув кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжихатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти”

Мафкуравий ҳафсизликка интилиш ижтимоий-сиёсий барқарорлик омили.

Миллий мафкуравий иммунитет ҳар бир йигит – қиз фуқородаги мустақилликнинг сиёсий моҳияти, Президент Ислам Каримов асарларида кўтарилган сиёсий ғоялар, ислохотлар ютуқлари ва муаммолари ички ва ташқи сиёсатга доир чуқур билимларга таянади. Шу билан бирга, айрим фуқоролар маънавий чекланганлик дунёқарашининг торлиги, миллий одоб меъёрларига риоя қилмаслик, сўз ва иш орасидаги тафовут миллий

ғурурнинг сустлиги каби нохуш кўринишлар учраб турадики, уларни бирлашиб бартараф қилиш лозим.

Мафкуравий имунитет шахс тамонидан Ватан, миллат учун кўнгилли, ғоявий асосланиб амалга оширилган кундалик ишларда намоён бўлади. Бу фаолият миллий бирлик, маънавий юксалишга халақит бераётган сифатлар, ёт қарашлар, миллий хавфсизлигимизга, ички ва ташқи таҳдидларга очиқ ва мардона қарши туришни ҳам ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, - Элим, юртим деб яшашнинг ҳар бир фуқарода, жамоатда намоён бўлишини англатади. Бу эса миллий ғоянинг амалий кучга айлантириш ва бузғунчи мафкуравий таъсирлардан аҳолини, ёшларимизни ҳимоя қилишнинг шартларидан биридир. Зеро “фикр ва сўз амалиётига йўналтирилганда уларнинг ҳар иккиси ҳам моддиятга-нарсасига айланади. “Ёт мафкуралар тарғиботининг” “Меҳрибонлиги” “Холислиги” ва “беътарафлиги”, “ёқимсизлиги”, “дўстоналиги” нинг орасида нима ётганлигини доимо билишлари лозим. Яъни уларнинг замирида Ўзбекистоннинг ривожланиб кетишига қараб мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарак ақидапарастлик тарғиботи натижасида ва ғояларни замонавий усулларда “жонлантираётган” ини тушуниш зарур. Айрим ёшлар ҳар хил ёт ғояларни холис ахборат манбаи сифатида қабул қилаётганликларини ҳам таъкидлаш керак. Ёт мафкураларни кўр-кўрона қабул қилиш зарарли.

Фойдаланилган ва Тавсия этилаётган адабиётлар.

1. Каримов И. Ўзбекистонр ХХІ аср бўсағасида : хафсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т:Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишига хизмат этсин. Т: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов. И. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир “Фидокор”га хаммаси мухбири саволларига жавоблар: Т: Ўзбекистон. 2000.
4. Каримов И.Хушёрлик дават Т: Ўзбекистон 2000.
5. Каримов. И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хафсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг хамжихатлиги ва букулмас иродасига боглиқ. Иккинчи чақириқф. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн тўртинчи сесиясидаги нутқ. 2004 йил 29-апрель Тошкент. “Ўзбекистон ” 2004.

6. Каримов. И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сурхандарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг кабобатдаги ташқари сесияда сўзлаган нутқи.-“Халқ сўзи” газетаси, 2004 йил 2-июнь.
7. Каримов.И.К. Юксак манавият энгилмас куч.Т: “Манавият”2008
8. Каримов И.К. “Жохон манавий-иқтисодий инқрози” Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиб йиллари ва чоралари” Т, 2009 й.
9. Қаҳҳорова.М. Маънавият идеал.
Т. Маънавият 2008
10. Шодмонқулов.А.Азизов С, Марифатпарварлик ижтимоий маданият маданий ҳодиса. Т., 2009.
11. Имом Бухорий. “Хадиса” 4-жилдлик. Тошкент, Қомуслар бош тахририяти 1992.
12. Эргашев И. Миллий истиқлол гоёси, дарслик Т:2006.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Андижон машинасозлик институт

“Ўзбекистон тарихи”кафедраси

“Ўзбекистон тарихи” фанидан

Мустақил иши

Мавзу: Улуғбек фан ва маданият арбоби.

Бажарди: “Молия” факультети “молия”
йўналиши 2-курс 1-гуруҳ талабаси Алимова З

Текширди: Таджиакбарова А.Н

Андижон-2011

Мавзу: Улуғбек фан ва маданият арбоби.

Режа:

1. Улуғбекнинг хаёти ва ижоди.
2. Улуғбекнинг илмий маъроси.
3. Давлат фан ва адабиёт арбобининг
“Зижи жадиди кўрағони” номли илмий маъроси.
4. Хулоса;
Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш .

Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёти ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Бинобарн, мустақиллик туфайли, кўхна Туркистон диёрасида итиқомат қилиб келган барча халқлар миллий қадриятларининг қайта тикланиши ва ривожланишига шарт-шароитла вужудга келди.

Айни пайтда ўзбек ва бошқа қардошхалқларнинг миллийлиги шаклланади.

1. Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди.

Улуғбек 1934-йилнинг 28-мартда Эроннинг ғарбидаги Султоним шаҳрида бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришипайтида таваллуд топган.

Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг харбий юришларида ўтди. Амир Темур набираси Улуғбекнинг ўткир зехнли, ақлу фаросатли бўлгани учун жуда севарди.

Уни “Кўзилининг кури, салтанатимнинг умидин нахоли” деб эркалатар эди.

Улуғбекнинг тарбияси билан бувиси Сарой Мулк хошли туғулланиб, севимли набирасига ўқув ёзувни ўргатган, тарихий мавзуларда хикоя ва эртаклар айтиб берган.

Улуғбек мактабда, “Сулуҳ ул мулк” ларда кўрсатилган давлатни идора қилиш санъати турли лавозим эгаллаш, солиқ тўплаш, рухонийлар, мансабдор ҳамда бошқа бошқа юртдан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб қоидалар бўйича кўрсатмалар эгаллаган.

Улуғбек ёшлигида кўп китоблар мутаола қилган бўлиб, у айниқса, математика, астронимия илмларига қизиқди.

У бобосининг хос мунажжими Мавлоно Бадриддин билан кўп вақтини ўтказар, ундан ҳисоб ва тақвимдан дарс олар, баъзи кечалари, қор тиниб осмон ёришган пайтларда юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатиш билан машғул бўлар эди. Шундай қилиб, Улуғбек болалик йииларидаёқ Мавлоно Бадриддин Тусий Абу Райхон Беруний, улар хаят китоблари билан ҳамда Оқ суллат ва “Утрорда” Зижи малиқиён билан таъминланди.

Фанго бўлган зўр мухаббати, катта қобилияти ва меҳнат севарлиги туфайлигина Улуғбек астронимия мактабининг асосчиси ва раҳбарлари сифатида ажойиб муофаққиятга эришилди.

Унинг қобилияти, ўткир натижаси ва аста секин билимлар тўплаб, фанга қизиқиши ортди.

2. Улуғбекнинг илмий маъроси.

Улуғбекнинг илмий маъросининг энг асосий маълум ва машхури унинг “Зиж”и бўлиб, бу асар “Зижи Улуғбек” , “Зижи жадиди” Короғоний деб ҳам аталади. “Зиж”дан ташқари унинг қаламига мансуб математика асари “Бир дажа синусиннинг аниқлаш ҳақида рисола” астронимик асар “Рисолий Улуғбек” асари.

Улуғбек “Зиж”и ўз таркибига кўра VIII-IX асарларида бошланган астронимик анананани давом эттирса, ҳам илмий даражада уларга нисбатан беқиёс баланддир.

Бу асар икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат бўлиб, муқаддиманинг ўзи мустақил тўрт қисмини ташкил қилади. Муқаддиманинг кейинги қисмида Улуғбек ушбу сўзларни битган: “Сўнг парвардигор бандликнинг фақир ҳақир, улардан Аллоҳга энг интилувчиси Улуғбек Ибн Шохруҳ Ибни Темур Курагон бундай дейди”. “Бу сўзлардан кўриндики, “Зиж” нинг муаллифи Улуғбекнинг ўзи бўлган.

Бироқ бу гинда унга ёрдам берганларни Улуғбек қуйидаги сўзлар билан одилонга тақдирлайди.:” “Шунинг бошланиши олимлар алломаси, камолот ва хикмат байроғини ўрнатган, таҳлил ва таҳқиқ мослашида бўлган Козизода Румит деб шуҳрат қозонишни жануби хазрат Мавлоно Салоҳ алмилла ваддин шу соннинг унга раҳмат Аллоҳ таоллога унинг қабрини салқин

қилсин, иккинчисининг қўллаши ва ёрдамида бўлади. Улуғбекнинг устозларидан бири мунажжим Мовлоно Ахмад бўлганлигини тахмин қилиш мумкин, чунки, бу киши Темурнинг саройида энг йирик омиллардан бўлиб, саройларнинг келажак икки юз йиллик тавқимлари жадвалларини туза олган. Лекин Улуғбекнинг ўзи кейинчалик асосий асари бўлиб, “Зиҳ”ида фақат Қозизода Румийнинг “устозим” деб атайти.

Улуғбек йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олимларидан бири бўлиб, унинг ҳокимлиги давридаги муҳим янгиликлар бутун ўрта аср маданиятининг улкан аҳамиятини касб этади. Улуғбекнинг ҳадлини бўлиш Ғиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқандимиздан Кошонга отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билимдонлигини қуйдагича таърифлайди.

Аллоҳга ва унинг нематларига шукроналар бўлсинким етти иқлимнинг фармондори, Ислом подишоҳи Улуғбек донишманд қиладидирлар.

Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ.

Ҳақиқат шуки аввало у киши қуронни қаримни ажралиш қисмини ёддан биладилар. Тавсифларни ва муфасирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларининг ақилдан сақлайдилар ва ёддан биладилар ва арабчада оят ехит ёзадилар.

Шунингдек, у киши Фикқдан анча ҳабардорлар, мантиқ маноларининг баёни ва усулларидан ҳам ҳабардордирлар.

1411 йил 17 ёшида Улуғбек Мирзо Мавороуннахр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинлади. Туркийлар хонадониди

Улуғбекнинг мавқеи нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

Улуғбек хоким бўлгач бобосидан харбий юриллар билан қизикмади.

3. Давлат фан ва адабиёт арбобининг “Зижи жадиди кўрағони” номли илмий маъроси.

“Зижи жадиди кўрағони” деб номлаган Улуғбек астраномик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилинган.

Хозирги кунда маълумотларга кўра “Зиж”нинг 120 га яқин форсий 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд.

Ўрта асрларда ёзган ҳеч бир астраномик ёки риёзий асар бўлгани англамаганлар.

Зиж мусулмон талимотларининг деярли барчасида ўрганилган.

Уни шархлаган омиллардан қуйдагиларни эслаш мумкин:

Шамсиддин Муҳаммад Ибн Абу Фатих ас Суфий ал Шислий.

Абдуқодир Ибн Гўёбий лохижий, Мирин Чалобий, Гиёсиддин Шерозийлардир. Улуғбек “Зижи” айниқса, Хиндистон олимларига кўнгли таъсир кўрсатган.

“Зижи” ни биринчи бўлиб, назарий масалаларни баён этишни Улуғбек олдида мақсад қилиб қўйган.

Шунинг учун бўлса керак, “Зиж”ни биринчи бўлиб, Самарқанд омилларининг айниқса Али қушгин этиборини қозонган. Улуғбек астраномияга бўлган қизиқиши ва ғоят катта махоратга эга бўлганлиги сабабли ушбу соҳага оид улкан кашфиёт юлдузларининг жойлашиши харитасини тузган. У бутун дунёга машхур.

4. Хулоса:

XIV-асрининг охири XX-аср марказий Осиё, аниқроғи Мовароуннахр ва хуросон тарихида ўрта аср учун олий даражадаги маданий манавий юксалиш даври бўлади. Бу юксалишнинг марказий Осиё заминида IX-Хасрда рўй берган ва суний равшда узилиб қолган маънавий юксалиш уйғониш даврининг тикланиши ва олий даражаси деб аташ мумкин. Мустақиллик бизга ўз тарихимизни ўзлигимизни англатишга имконият яратиб берди.

Фойдаланган адабиётлар .

1. *М.Абдуллаев маданиятишунослик Фарғона 1991 йил.*
2. *К.Хошимов Педагогика тарихи Тошкент 1996 йил.*
3. *Буюк сиймолар ва алломалар Ўзбекистон 1996-1997 йил.*
4. *Мўминов И. “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” Тошкент 1993 йил.*

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Андижон машинасозлик институт

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
“Ҳуқуқшунослик. Ўз.Рес. Конституцияси” фанидан

Мустақил иши

Мавзу: Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби

Бажарди: “Муҳандислик” факультети “ ТМЖ ”
йўналиши 1-курс 2-гуруҳ талабаси Қўчқорва III

Текширди: Атаханов Рафик

Андижон-2011

Мавзу: *Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби.*

Режа:

- 1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси.*
- 2. Меҳнат низолари ҳал этиш тартиби.*
- 3. Меҳнат низолари бўйича комиссияси.*

Меҳнат ҳуқуқи –Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг энг муҳим мураккаб тармоқларидан биридир.

У ҳодимлар ва иш берувчилар меҳнат муносабатларини тартибга солишда муҳим рўл ўйнайди. Меҳнат ҳуқуқи меҳнат муносабатларининг вужудга келиши, амал қилиш ва бекор қилишни тартибда солади, ҳодимларнинг биргаликдаги меҳнат қилиш режимини белгилайди, меҳнат мезони, меҳнатни муҳофаза этиш қоидаларива меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибини ўрнатади.

Меҳнат фаолияти жараёнида ўз меҳнат лаёқати қўлланишида келиб чиқадиган меҳнат муносабатлари, меҳнат ҳуқуқи предмети бўлиб, майдонга чиқади.

- Ҳодим ва иш берувчилик ўртасидаги муносабатлар.
- Меҳнат жамоаси манфаатларини ифодаловчи касаба уюшмаси органи ҳодимларнинг меҳнат шaroитлари, турмуши ва дам олишини яхшилаш борасидан корхонада юзага келадиган ташкилий

- Бошқарув муносабатлари.
- Ишчи кучларнинг тақсिलाш муносабатлари
- Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича муносабатлар
- Моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар
- Меҳнат низолари ҳал этиш вужудга келадиган протсессуал муносабатлар.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қўйган вазифалардан келиб чиққан ҳолда меҳнат ҳуқуқининг иккита функцияси- тартибга солувчи ва кўмаклашув функциясиларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Якка меҳнат низолари деганда, иш берувчи ва ҳодим ўртасида меҳнат тўғрисидаги низоларини қўлланиш, меҳнат шартномаларини белгилаш ёки ўзгартириш бўйича келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилиши керак.

Қуйдагилар якка меҳнат низолари сабаблари бўлиши мумкин.

- маъмурият ва ҳодимларининг меҳнат қонунларини яхши билмасликлари, бунинг натижасида улар нотўғри қўлланилиши;

- тез ўрганувчан ташқи ҳолатларда қонунларининг ўзининг номукамаллиги;

- янги меҳнат шартларини белгилаш ёки амалдагиларни ўзқаратиш, масалан; янги ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш юзасидан масалалар ҳодимлар билан маъмурият билан касаба уюшмали ўртасидаги келишмовчиликлар;

- маъмурият билан касаба уюшмали ўртасидаги келишмовчиликлар;

Мехнат Кодексининг 260-моддасига мувофиқ яқка мехнат низолари.

- мехнат низолари комиссияси томонидан ушбу Кодексининг 260-моддасида кўрсатилган низолар бундан устасно.
- туман (шахар) судлари томонидан кўриб чиқилади.
- ходим мехнат низосинихал қилиш учун ўз хохишига кўра мехнат низолари комиссияларида ёки бевосита судга мурожат этиш мумкин.

Мехнат низолари бўйича комиссия.

Жамоат шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси яки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда мехнат низомлари комиссияларни тузиш назарда тутилиш мумкин.

Мехнат низомлари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияда касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан қарори билан иш берувчининг вакили эса унинг буйруғи билан тасдиқланадилар.

Башорати ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса мехнат низоси комиссияда кўриб чиқади.

Меҳнат низолари бўйича комиссия ариза берилганидан кейин кун ичида меҳнат низоларини кўриб чиқиши шарт Низо ариза берган ходим ва маъмурият вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Меҳнат низолари ходимининг иштирокисиз кўриб чиқишга фақат унинг ёзма равшдаги аризаси асосидагина йўл қўйилади.

Ходим узрли сабабларга кўра комиссия мажлисига кела олмаса, мазкур аризани қабул қилишни, кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш ҳусусида қарор қабул қилиш мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Комиссиясининг қарори далиллари билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва башқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак. (М.К 265-моддаси)

Қуйидаги ҳолларда меҳнат низолари кўрилади.

1. агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса
2. улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатий назар, ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари тарифини ўзлаштириш тўғрисида мажбурий прогол ёки кам ҳақ тўланадигон ишни бажарган вақт ҳақ тўлашга мажбур бўлса;
3. Улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлсин.

Жамоаларга доир меҳнат низолари, ишлаб чиқариш нормалари, ишлай меҳнат нархларининг ўзгартириш иш ҳаққи тизими иш

вақти таркиби таътиллари меҳнат муҳофазаси тизимини, таътиллари меҳнат муҳофазаси тизимини белгилаш ва мавжуд шартларини ўзгартириш, жамоа шартномасини тузиш ва бажариш масалалари бўйича келишмовчилик асосида юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Андижон машинасозлик институт

“ _____ ”кафедраси
“ _____ ” фанидан

Мустақил иши

Мавзу: Миллий истиқлол ҳоёсида комил инсон тушунчаси

Бажарди: “Муҳандислик” факультети “ТСМТ”
йўналиши 2-курс 1-гурӯҳ талабаси
Юсупов А

Текширди: Каримова М.А

Андижон-2011

